



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган


ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСЙ ГАЗЕТАСИ

№ 224 (10.027)

2003 ЙИЛ 18 НОЯБРЬ

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун

КУЧ-ҚУДРАТИМИЗ ТИМСОЛИ



Ҳар бир мамлакат рамзларида муайян даражада унинг тарихи, кадриятлари, дунёқараши акс этади. Давлат рамзларидан бири байроқ бўлиб, у юрт мустақиллигининг, куч-қудратининг тимсолидир.

Озод Ватанимизнинг байроғи қабул қилинганига ўн икки йил бўлди. Ўн икки йилдирки, миллатимизнинг музаффар ялови нанки мамлакатимизда, шу билан бирга, энг нуфузли халқро ташкилотлар пештоқда етакчи давлатларнинг байроғи билан ёнма-ён ҳилпирамоқда. У миллат шон-шавкатининг ифодаси сифатида бадиқиб турибди. Дунёнинг ўнлаб мамлакатларидаги Ўзбекистон элчихонаси узра ярқираб турибди давлатимиз байроғи. Халқаро мусобақаларда ёлибликни кўлга киритган спортчиларимиз юртимиз байроғини ўпаётган кузларида ёш қалқанини кўрганмиз. Бу — табиий. Зеро, Ватан байроғи унинг ўзи каби азиз ва муқаддасдир. Мустақил Ўзбекистоннинг Давлат байроғи ҳақида гапирганда Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг мардона фаолиятини, дадил ташаббусини алоҳида таъкидламоқ керак. Бинобарин, ҳали совет тузуми, унинг давлат рамзлари амал қилиб турган бир пайтда — 1990 йилнинг март ойида бўлган парламент сессиясида Ислоҳ Каримов ташаббуси билан давлат рамзлари ҳақидаги масала муҳокама қилинган эди.

Истиклол бу йўналишдаги ҳаракатларга куч ва илҳом бахш этди. Мустақиллик эълон қилинганидан кўп ўтмай — 1991 йил 18 ноябрь кун Олий Кенгашининг еттинчи сессиясида мамлакатимиз давлат суверенитетининг рамзларидан бири — Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тас-

дикланди.

Буюк аждодларимиз ҳам байроқни муқаддас билишган, уни кўз қорачиқидек асрашган. Жанг пайти байроқни душманга олдириш мағлубият белгиси ҳисобланган. Душман байроғини сарнигун этиш эса унинг ўзини енгиш билан баробар саналган.

Улуғ аллома шайх Нажмиддин Кубро жасоратини эслайлик: етмиш беш ёшли шайх мўғул босқинчиларига қарши курашда «Е Ватан, ё шарофатли ўлим!» дея, шамшир тутиб, жангга қиради ва мўғул аскари қўлидаги яловга мардонавор чанг солади. Аллома Ватан мудофааси йўлида шаҳид бўлади. Бирок, у ўлганидан кейин ҳам туғ дастасини кўйиб юбормайди. Ривоятларга кўра, босқинчилар алломанинг панжаларини кесиб, яловни олишган экан.

Буюк Амир Темур давлатининг мовий рангли байроғи бўлган. Маҳмуд Торобий ой ва юлдуз тасвири туширилган яшил туғ остида Ватан эрки учун кураш олиб боргани тарихий манбалардан маълум. Демак, Ўзбекистон байроғидаги мовий, оқ ва яшил рангларда, ой ва юлдузларда халқимизнинг узок ўтмиши, оруз-истаклари, келажаги ўз ифодасини топган.

Эътибор қилганмисиз, ёнма-ён ҳилпираётган турли давлатларнинг ранг-баранг байроқлари орасида Ўзбекистон байроғи алоҳида ажралиб, улугворлик касб этиб туради. Сабоби нимада? Эҳтимол, байроғимиздаги рамзларнинг мутаносиблигида, ранглар уйғунлигидадир? Бу ҳам тўғри. Аммо, энг асосийси, ўз байроғимизни кўрганмизда қалбимизда Ватан тўйғуси, миллий ифтихор ҳислари жўш уриб кетишдан даролат бу.

Ха, мусаффо осмонимиз узра мармур ҳилпираётган Ватан байроғи ҳар қандай юракни тўлқинлантира олади. Зотан, у Ўзбекистон тимсоли, миллатимиз ўтмиши, бугуни ва келажагининг рамзидир.

Рустам ЖАББОРОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

ПОЙТАХТНИНГ
Бир кўни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИШ

● **ТОШКЕНТ** шаҳар ҳокимлигида пойтахтимиз кўча, хийбон ва май-донларини ободонлаштириш ҳамда кўкалам-зорлаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда соҳага тегишли бошқарма, институт, фирма ва корхоналар вакиллари иштирок этдилар.

● **ЖОРИЙ** йилнинг 20 ноябрдан 20 декабрга қадар шаҳримизда ёнғ-

ин хавфсизлиги ойлиги ўтказилди.

● «**МОТОР**» акциядорлик жамиятида 20 ноябрь кун «Маънавият ва маърифат» марказининг Бектемир туман бўлими ташаббуси билан «Қадриятлар — маънавият қонунлари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академияси қошидаги генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси илмий-текшириш институти олимлари томонидан ғўзанинг янги серхосил нави яратилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ЯНА ЮЗТА «МЕРС»

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 24 сентябрдаги «Тошкент шаҳрини йўловчилар ташвиш автобуслари билан таъминлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ пойтахт аҳолисига транспорт хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш, автобус паркларини қулай ва тежамли замонавий транспорт воситалари билан таъминлаш мақсадида хориждан умумий қиймати 37,42 миллион еврони ташкил этадиган уч юзта автобус ва эҳтиёт қисмларни босқичма-босқич келтириш белгиланган эди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн икки йиллиги тантаналари арафасида дастлабки юзта автобус келтирилди. Улар ҳозир шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларига хизмат қилмоқда.

«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасидан ЎЗА мухбирига хабар беришларича, яқинда Германияда ишлаб чиқарилган яна юзта «Mercedes-Benz Conecto O 345» маркали йўловчи автобуси пойтахтимизга олиб келинди.

Таъкидлаш жоизки, немис диёрида ишлаб чиқарилаётган автобуслар ўзининг сифати, атроф-муҳитга кам зарар етказиши ва бошқа қўлайликлари билан йўловчиларга жуда манзур бўлмоқда. Улар мамлакатимиз шароитига мос келиши ва техник мустаҳкамлиги билан ўзини оқламоқда. Хусусан, шу русумдаги айрим автобуслар бир миллион километр масофани таъмир-сиз босиб ўтган.

Келишувга мувофиқ, йил охирига қадар Германиядан яна юзта автобус келтирилади.

ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси сиёсий майдонга жамиятнинг мулкдорлар қатлами — кичик бизнес, фермер ва деҳқон ҳўжаликлари вакиллари, ишлаб чиқаришдаги малакали мутахассис ва бошқарув ходимлари номидан чиқмоқда. Мазкур синф юрт равнақи, демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнининг чуқурлашиши, фуқаролар турмуш даражаси ва давлатимизнинг халқро обрў-эътиборининг янада ўсиши, тинч ва осуда ҳаёт ҳукм суриши учун бор куч-ғайратини аямайди.

Курултой туганидан сўнг Сиёсий кенгашининг биринчи йиғилиши бўлди. Унда Сиёсий кенгаш ижроия қўмитасининг расиси этиб Қ.Тошматов сайланди.

Н.ОЧИЛОВ,
ЎЗА мухбири

СИЁСЙ МАЙДОНДА — ЯНГИ КУЧ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси мамлакатимизда давлат ва жамият тизими ривож ва янгилинишида, Ватан тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг жадал суръатлар билан амалга оширилишида фаол иштирок этадиган янги сиёсий куч сифатида майдонга чиқётганини маълум қилди. Партиянинг Тошкентда бўлиб ўтган таъсис қурултойида шулар ҳақида гап борди.

Курултойда партияни тузиш бўйича ташкилий қўмита расиси Қобилжон Тошматов сўзга чиқди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган уч юзга яқин вакил қизгин муҳокамадан сўнг сиёсий ҳаракатнинг Дастур ва Низомини тасдиқлади. Шунингдек, партиянинг Сиёсий кенгаши ва Марказий назорат-тафтиш комиссияси сайланди. Унинг наشري сифатида «XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетасини таъсис этиш хусусида қарор қабул қилинди.

Тадбирда мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳамда жамиятимиз тараққиётининг бошқа соҳаларини эркинлаштириш, давлат ва жамиятни демократик асосда янгилаш, ислохотларни янада чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, тадбиркор ва ишбилармонлар манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган дастурни ҳаётга таъбиқ қилиш партиянинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар

XXI сағоси
Барча маълумлардан олинган суғитги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Фанлар академиясининг 60 йиллик юбилейи муносабати билан Бердақ номидаги Қорақалпоқ муסיқали театрида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● Бухоро вилояти пахтакорлари қабул пунктларига 360 минг тоннадан зиёд қимматбахо хом ашё етказиб, йиллик шартнома-режани бажардилар.

● «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси томонидан «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси қўмағида умумий қиймати 29 миллион сўмдан ортиқ дори-дармонлар, кийим-кечаклар, дезинфекцияловчи воситалар, халқ истеъмоли моллари ортилган наватдаги «Саломатлик» поезди Хоразм вилоятига жўнаб кетди.

● Миллий матбуот марказида Рамазон ойи муносабати билан дин ахлига яратилаётган шароитларга бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

● Республика Биржа марказида «UNIPOLIS» суғурта компаниясининг тақдироти ўтказилди.

● Поп туманининг энг чекка тоғлик қишлоғи бўлиш Хонободда халқро сўзлашув маркази иш бошлади. Эндиликда қишлоқ ахлидан ташқари Қамчиқ доводидан ўтадиган йўловчилар ҳам ер юзининг исталган жойи билан сўзлашши имкониятига эга бўлдилар.

Жаҳонда

● Исроил бош вазири Ариэль Шарон ақин 10 кун ичида Фаластин бош вазири Аҳмад Курей билан учрашди. Ушбу учрашувдан сўнг тинчлик музокараларини жонлантиришга имкониятлар туғилиши хусусида фикрлар билдирилмоқда.

● Ўтган йили Хитойда тарқалган ва яна бошланиши кутилаётган гайриоддий зотилжам касаллигининг олдини олиш учун дунё олимлари изланишда давом этмоқда. Жумладан, Гонконг университети ва Париждаги Пастер институти биологлари ҳамкорликда 3 йиллик илмий тадқиқотларга асосланган вакцина лойиҳасини ишлаб чиқишга киришдилар.

● Европа Комиссияси Италия футбол клублари қандай молиялаштирилаётганини текширишга киришди.

● Калифорния шғатида жойлашган ўзга сайёрадаги онгни излаш муаммолари институти (SETI) НАСАдан тадқиқот ишлари учун 5 миллион АКШ долларига тенг грант олганлигини эълон қилди.

Океан ортидан хушхабар

**ЎЗБЕК
ПРОФЕССОРИГА
АҚШНИНГ
МУКОФОТЛАРИ**

Мустақиллигимиз шарофати туфайли юртимиз илм-фан намоёндаларининг ўзлари танлаган соҳаси бўйича кўлга киритаётган ютуқлари хорижий элларда юксак эътироф этилмоқда. Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институти ички касалликлар пропедевтикаси кафедрасининг мудири, профессор Шерзод Зокирхўяевнинг АҚШнинг Виржиния штатида жойлашган Америка гастроэнтерология коллежи жамиятига аъзо этиб қабул қилинганлиги ушбу фикримизга ёрқин далилдир.

Маълумки, Америка гастроэнтерология коллежи жамиятига кўпчилик хориж давлатларидан мутахассислар аъзоликка қабул қилинадилар. Бу аъзолик ҳар йили бир марта коллеж раёсатининг мажлисида тегишли хужжатлар асосида кўриб чиқилади ва «феллов», яъни юқори даражадаги мутахассис даражаси тасдиқланиб, аъзо бўлган шахсга сертификат берилади.

Америка гастроэнтерология коллежининг «феллов» даражасидаги аъзоси, профессор Шерзод Зокирхўяевга биргаликда илмий ишларни бажариш, илмий мақолаларни «Америка гастроэнтерология журналы»да чоп этиш, коллеж томонидан ташкил этиладиган малака ошириш курслари, конференциялар, семинарлар ва ҳар йили ўтказиладиган халқаро гастроэнтерологлар конгресси ва Америка гастроэнтерология коллежи раёсати мажлисида қатнашиш, шунингдек АҚШда гастроэнтерология соҳасидаги илмий тадқиқотларда ишлаш ҳуқуқи берилади.

Яна бир янгилик: таъниқли ўзбек гастроэнтеролог олими Шерзод Зокирхўяев Нью-Йорк Фанлар академиясига ҳам аъзо этиб қабул қилинди. Биз ҳам институтимиз профессор ўқитувчилари ва талабалари номидан профессор Шерзод Зокирхўяевни АҚШнинг юксак унвонига сазовор бўлганлиги билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Кутбиддин
НИЗОМОВ,
Тошкент Давлат
иқкинчи тиббиёт
институтининг
катта ўқитувчиси.**

Қиш тайёргарлиқни ёқтиради

Айни куннинг салқин кунлари давом этиб, изғиринли қиш бошланиши арафасида бир-бири билан учрашиб қолган таниш-билишлар салом-алиқдан сўнг албатта «Ишқилиб, уйларингиз иссиқми?» деган саволни беришади. Негаки, қишнинг қаҳратонида ўз уйингда совуқдан дийдираб ўтиришдан ёмони борми? Хўш, шахримизда бу борада аҳвол қандай? Тошкент шаҳар коммунал хўжалигини кузги-қишқи мавсумга тайёрлаш ишлари ниҳоясига етдими? Ушбу саволларимизга шаҳар коммунал ҳудудий фойдаланиш бирлашмаси уй-жой ва муҳандислик коммуникацияларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Кўчқор ҲАЛИМОВдан қуйидаги жавобни олдик:

— Пойтахтимизда қиш мавсумига тайёргарлик бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 июндаги 275-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2003 йил 23 апрелдаги 236-сонли қарорлари асосида тасдиқланган дастурда

квадрат уй томларини таъмирлаш, 2319 та йўлак эшикларини таъмирлаш ва алмаштириш, 17,6 минг метр квадрат йўлак деразаларига ойна ўрнатиш, 126 та ертўлаларни қуриштириш ана шулар жумласига кириди.

дан чиқаришмоқда. Уйларни тубдан таъмирлашни тез кунларда ниҳоясига етказиш мақсадида қўшимча бригадалар тузилиб, иш 2 сменада олиб борилаётган.

Албатта, бирлашмамиз шахримиздаги хонадонларда қиш мавсуми кўнгилдагидек ўтиши учун барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Лекин шу ўринда ҳам шаҳарларимизга ҳам бир нарсани эслатиб ўтиш ўриндир. Турар жой ўзимизники. Шу боисдан ҳам ҳар бир хонадон эгаси

**УЙЛАРИНГИЗ
ИССИҚМИ?**



барча ишлар адо этилди. Шунингдек, 50 та мактаб, 51 та болалар боғчаси, 21 та касалхона ва 48 та поликлиникада тубдан таъмирлаш ишлари бажарилди.

Уй-жой фонднинг қишга тайёргарлиги ҳуеусида тўғалалдан бўлсақ, 504,5 минг квадрат метр том таъмирланди, 6135 та йўлак эшиклари алмаштирилиб таъмирланган чиқарилди. Кўп қаватли уй йўлакларидан деразаларга 36,4 минг метр квадрат ойналар ўрнатилди. Уй-жойлар, соғлиқни сақлаш, мактаб ва болалар муассасалари иссиқлик тизимларини таъмирлаш ва юқори босим остида ювиш ишлари 100 фонизга адо этилди.

Маълумки, жорий йилнинг 21 октябрида Вазирлар Маҳкамасининг 617-сонли фармойиши чиқиб, унда пойтахт уй-жойларининг қиш мавсумига етарли даражада ҳозирланмагани таъкидланган эди. Фармойиш асосида давлат маҳсус комиссияси тузилиб, шаҳардаги мавжуд барча уйлар инвентаризация қилинши ва бажарилиши лозим бўлган кўшимча ишлар аниқланди. 91,8 метр

Мана шу юмушларнинг барчаси 10 ноябрдан қатъий тузилган жадвалга кўра бажарилиши ҳар бир туманда тузилган комиссия аъзолари томонидан кундалик штабларда назорат остига олинди. Камчиликларнинг барчаси тугатилди. 103 та ертўла қуруқ ҳолга келтирилди, қолганларида ҳам тез кунда охириги юмушлар бажарилиши учун сафарбарлик давом этмоқда. Шаҳримиздаги мавжуд барча касалхона, мактаб, боғча ва уй-жойларга иссиқлик берилган.

Долзарб масалалардан саналган уй-жойларни тубдан таъмирлаш ҳақида гапирсак, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 1 мартдаги 74-сонли қарорига кўра 792 та уй таъмирланиши режалаштирилган эди. Уларнинг 643 тасида бу иш амалга оширилиб, 149 тасида уюшқоқлик билан олиб борилаётган.

Вазирлар Маҳкамасининг 617-сонли фармойишига кўра 42 вазирилик ва ташкилотлар уйларни тубдан таъмирлашга жалб қилинган ва улар ўз маблағлари ҳисобига 75 та уйни таъмир-

уни сақлашга, тежаб-тергашга эътибор қаратса, коммунал хизматлар ҳақини вақтида тўлаб бора саноқдан ҳоли бўлмади. Бизнинг зиммамиздаги маъсулият эса — намунали хизматларни ташкил қилиш ва муаммоларни вақтида бартараф этишдир. Синов даври муваффақиятли ўтса, юзимиз ёруғ бўлади.

Шарифа БАХРОМОВА ёзиб олди.

ТАҲРИРИЯТДАН: Азиз ҳамшаҳарлар! Коммунал соҳада амалга оширилаётган ислохотларга ўз ҳиссангизни қўшилишни истасангиз, сиз яшаётган уйларда бу борада қандай ишлар бажарилмоқда, сиз унга қандай ҳисса қўшяпсиз, камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш йўлидаги фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртолқашингиз келса, 133-45-84 рақамли телефонга қўнгиноқ қилишингиз мумкин. Нима дейсиз, сизнинг уйларингиз иссиқми?

СУРАТЛАРДА: «Меҳр-Турон» уй-жой мулкдорлари ходимлари иш устида. Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Иқтисодиёт

Пойтахтимизда фаолият юритаётган корхоналар орасида «Ўзбекқоғози» очик акционерлик жамияти алоҳида ўз ўрнига эга. Мазкур жамият ўтган 2002 йилда ўзининг 70 йиллигини нишонлаганди.

ЎЗ СОҲАСИДА ЕТАКЧИ КОРХОНА



Жамиятнинг 750 нафардан ортик малакали ишчи-хизматчилари томонидан бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган сифатли, харидорбоп, нисбатан арзон маҳсулотлар ички бозоримизни тўлдиршига хизмат қилмоқда. Булар иш қоғозлари, муковалар учун, урашга мўлжалланган қалин қоғозлар, қадқоқлаш, мебель ўрайдиган картонлар,

шунингдек, ҳар хил ҳажмдаги дафтар, эскиз альбомлари бўлиб, бундай концелярия маҳсулотларининг бозори қаққон ҳисобланади.

Этиборли томони, корхонада ўзимизнинг маҳаллий хом ашёдан фойдаланилади. Яъни жамият тасарруфидаги Янгийўлдаги филиалдан пахта линти келтирилади ҳамда ишлаб чиқариш жараёни чиқитсиз ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда корхона жамоаси янгиликка интилиб, ҳозирда нафақат сифатли, кўркам, чиройли, балки экологик тоза маҳсулотларга талаб ошиб бораётганини инобатга олиб тадбиркорлик

билан иш юритмоқда.

Бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришда целларга ўрнатилган технологик ускуна ва дастгоҳлар билан бирга, бу ерда самарали фаолият олиб бораётган ўз соҳасининг усталари ҳисобланган изланувчан тажриба лабораториясининг ходимлари меҳнатини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

«Харакатда — баракат» деб халқимиз бежиз айтмайди. «Ўзбекқоғози» очик акционерлик жамиятининг тадбиркорлари аниқ мақсадларни

кўзлаган ҳолда олдинги марралар сари интилоқда-лар.

**Муҳаббат
ҲАБИВУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА:** корхонанинг тажрибали цех бошлиғи Фаҳриддин Қосимов (ўртада) моҳир чилангар-уста Зокир Холматов ҳамда ғайратли машинист Дмитрий Балаболкинлар билан маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда; тайёр маҳсулотлардан намуналар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



Саҳна

ЯНГИ САҲНА
АСАРЛАРИ

Тошкентдаги «Илҳом» театр-студияси ўз томошалари билан кўлаб мухлислар эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда. Ижодий жамоанинг 28-мавсумида томошабинлар яна қатор янги постановкаларнинг шоҳиди бўладилар.

Актёрлар «Бекат» деб номланган спектаклни ҳам тайёрладилар. Ўзига хос режиссура асосида саҳна юзига кўрган бу постановка томошабинларда яхши таассурот қолдиради деб умид қиламиз.

Шундан сўнг «Доктор Чехов лабораторияси» деб номланган наватдаги спектакл театр репертуаридан ўрин олади. Ушбу постановкада театрнинг етакчи актёрлари қаторида истеъдодли ёш санъаткорлар ҳам қатнашадилар. Янги йил олдида саҳналаштирилган томошага ҳозирдан тайёргарлик кўрилмоқда.

ОРКЕСТРНИНГ
НАВАТДАГИ
КОНЦЕРТИ

«Туркистон» камер оркестри ўз мухлисларини мамнун этиш мақсадида янги концерт дастурларини тайёрламоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Э.Азимов бадий раҳбарлигида тақдим этилаётган бундай томошалардан бир нечаси Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта концерт залида кўрилади.

Оркестр янги тайёрланган наватдаги концерт дастуридан машҳур рус композиторлари П.Чайковский ва Сен-Сансларнинг камер асарлари ўрин олади. Шунингдек, бу томошада кватрет жўрлигида қатор музикалар янграйди.

Оркестр, янги йил концерти учун республикамиз композиторлари асарларидан намуналарни тандади.

ЁШЛАРДА
ҚИЗИҚИШ
УЙГОТМОҚДА

«Ўзбекистон солистлари» камер ансамбли томонидан тайёрланаётган концерт дастурлари айниқса ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ансамблининг янги ҳозирлаган концерти эса мумтоз композиторлар ижодига бағишланди.

Машҳур санъаткорлардан Моцарт, Генчмерларнинг камер асарлари ижро этиладиган бу дастур ўзига хос бадий композиция кўринишида томошабинларга тақдим этилади.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида янграйдиган бу музикаларни ижро этишда истеъдодли ёш созандалар ҳам қатнашадилар.

Акбар АЛИЕВ

ДЕМОКРАТИЯ МАКТАБИ

Собир Раҳимов туманидаги Беруний маҳалласида ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш раёсати аъзолари сайлангач, маҳалла оқсоқоли Саидхамд Обидовнинг маҳалла фуқаролар йиғинининг 2001-2003 йилларда бажарган ишлари юзасидан ҳисоботи тингланди.

Шуни таъкидлаш керакки, маҳаллада ўтган давр мобайнида ушбу гўшада истиқомат қилаётган фуқаролар

лар учун бир нечта дастурларни ишлаб чиқиб ҳаётга татбиқ этди. Жумладан, 800 та аёл тиббий кўрикдан


Маҳалла оқсоқолидан сўнг тафтиш комиссиясининг раиси Анвар Зияев қилинган ишлар юзасидан ҳисоб берди.

Оқсоқол ва тафтиш комиссияси фаолиятига баҳо бериш юзасидан профессорлар Умарали Норматов, Фатхулла Зикриллаев, маҳалла хотин-қизлар комиссияси раисаси Назира Раимова сўзга чиқиб, маҳаллада амалга оширилаётган ишлар барча ёшдаги ва тоифадаги кишилар, ҳамма миллат вакилларига етиб бораётганини таъкидлаган ҳолда фаолиятини қониқарли деб топишди.

Шу тариқа юздан ортқ вакиллар иштирокида фаол ва қизгин руҳда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида шу гўшада 30 йилдан буён котиб ва маҳалла фуқаролар йиғини раиси сифатида фаолият кўрсатиб келаётган жонқуяр ва тадбиркор инсон, 2003 йилда ҳам шаҳар, ҳам Республика буйича ўтказилган «Энг ибратли маҳалла оқсоқоли» танловининг ғолиби Саидхамд Обидов бир овоздан кейинги мuddатга ҳам оқсоқол этиб сайланди.

Фаолларнинг кўпчилиги ғайратли, меҳнатқаш ёшлар орасидан сайланганлиги эса қувонарли ҳолдир. Жумладан, келгуси мuddатга маслаҳатчилар таркибидан Фуломжон Мусаев, Олимжон Икромов, Равшан Қосимов каби оловқалб ёшлар ўрин олган бўлса, Матлуба Нуъмонова аёллар яраштирув комиссиясининг раисаси сифатида ўз фаолиятини бошлайди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ
СУРАТДА: Беруний маҳалласида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишидан савҳа.

МУНОСИБ НОМЗОДЛАР
САЙЛАНДИ

«Маҳалла тарихини биласизми?», «Фарзандларимиздан кўнглимиз тўк» (Уч авлод учрашуви), «Ватан ичра Ватаним», «Хотира альбому сўзлаганда» каби кўлаб тадбирлар ўтказилди.

Оммавий спортни йўлга қўйиш ва аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан маҳалла клубида шахмат-шашка тўғраги ташкил этилди, 249-мактаб спорт майдончасида болаларнинг ота-оналари билан биргаликда «Жисмоний соғлом оила» спорт ўйинлари уюштирилди. Маҳалла шаънини ҳимоя қилувчи болалар футбол жамоасига кийимлар олиб берилди.

Хотин-қизлар комиссияси ҳам бошқа комиссиялар билан ҳамкорликда Обод маҳалла йилига бағишлаб аёл-

ўтказилиб, 527 нафари соғломлаштирилди. Айниқса «Соғлом бола туғилишида бўлажак ота ва оналарнинг роли», «Она сутининг моҳияти», «Она — меҳр булоғи», «Жаннат оналар обғи остидадир» мавзуларида ўтказилган тадбирлар яхши самара берди.

Шунингдек маҳаллада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, кам даромадли, кўп болали оилалар, ногирон ва қарияларни қўллаб-қувватлаш, тўй ва бошқа маросимларни ихчам, камхарж ва исрофгарчиликларсиз, бартариб ўтказиш борасида ҳам кенг қўламадаги ва самарали ишлар амалга оширилди.

Маҳалла оқсоқоли фаолиятига баҳо бериш юзасидан тажриба тарикасида саволноманинг жорий этилганлиги ҳам ўзига хос янгилик сифатида баҳоланди...

Қуни кеча Шайхонтоҳур туманидаги Олим Хўжаев номли маҳаллада ҳам фуқаролар йиғинининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 140 нафарга яқин вакиллар иштирок этишди. Тадбир аввалида ишчи гуруҳи раисининг таклифига кўра йиғилиш раёсати сайланиб, кўп тартибга қўйилган 6 та масала билан йиғилганлар таништирилди.

Шундан сўнг маҳалла оқсоқоли Абдурашид Нажмидиновнинг икки ярим йил мобайнида маҳаллада олиб борилган ишлар ҳақидаги ҳисоботи тингланди. Жумладан, ҳисоботда II-жаҳон уруши қатнашчилари, ёлғиз истиқомат қилувчи кекса ва ногирон кишиларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар, маҳалла фуқароларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш, уларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказиш мақсадида ташкиллаштирилган турли тадбирлар, Обод маҳалла йили дастури бўйича режалаштирилиб, амалга оширилаётган ободончилик ишлари, маҳаллада 4 хонали оилавий поликлиниканинг қуриб битказилгани, маҳалла худудидagi 157-мактабнинг умумий ҳажми 600 квадрат метрдан иборат бўлган спорт залини таъмирлаш учун зарур бўлган пул маблағининг

ажратилгани, кам таъминланган оилаларнинг фарзандалари учун 250 минг сўмлик

гилди. Иккала ҳисобот юзасидан очик, қизгин баҳс-мунозарали савол-жавоблар

ЯҚДИЛЛИК БИЛАН
ҚУВВАТЛАШДИ

Шу кунларда республикамиз туманларида жойлашган маҳаллаларда бўлиб ўтаётган сайловларда эл-юрт ташвиши, ёш авлод камолоти, оилалар тинч-тотувлиги ҳақида қайғурадиган, билимдон, ташкилотчи, обрў-эътиборли инсонлар маҳалла оқсоқоли ва унинг маслаҳатчилари этиб сайланмоқда.

ларлик ва ўқув қуролларининг олинганлиги ва ижарасиз бериб келинаётганлиги ва албатта, бундай ишларни амалга оширишда педагог-тарбиячи, маҳалла посбонлари ва сардорлари, кўча ва навиий-маърифий савиясини ошириш, уларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказиш мақсадида ташкиллаштирилган турли тадбирлар, Обод маҳалла йили дастури бўйича режалаштирилиб, амалга оширилаётган ободончилик ишлари, маҳаллада 4 хонали оилавий поликлиниканинг қуриб битказилгани, маҳалла худудидagi 157-мактабнинг умумий ҳажми 600 квадрат метрдан иборат бўлган спорт залини таъмирлаш учун зарур бўлган пул маблағининг

бўлиб ўтди. Йиғилишда қатнашаётган вакиллар Абдурашид Нажмидиновнинг ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботларини қониқарли деб топишди.

Сўнг шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамағатининг раиси Рихсатилла Ақромов бу йилги сайловнинг мазмун-моҳияти хусусида тўхталиб, одил ва оқил, ҳар бир жабҳада ғайрат ва шижоат кўрсата оладиган инсонларни оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари этиб сайлаш таклифини билдирди.

Маҳалла оқсоқоллигига Комилжон Исмоилов, Ҳабибулло Қосимов ва Абдурашид Нажмидиновларнинг номзодлари кўрсатилди.

Абдурашид Нажмидинов

маҳалладошларнинг яқдиллик билан қўллаб-қувватлашлари остида, очик овоз бериш йўли билан яна оқсоқол этиб сайланди.

Маҳалла оқсоқоли ўзига билдирилган ишонч учун маҳалладошларига миннатдорчилик билдириб, келгусида болалар спорт майдончасини қуриб битказиш, маҳаллада бошланган ободончилик ишларини давом эттириш, отахонлар чойхонаси биносини тўлиқ таъмирдан чиқариш, кам таъминланган оилаларга бўлган эътиборни кучайтириш ва бундай оила фарзандларини мунтазам равишда дарсликлар билан таъминлаб туриш, маҳалла китоб фондидagi китоблар сонини кўпайтириш ва ёшларни касб-ҳунар эгаллашлари учун тадбиркорлар билан ҳамкорликда қатор ишларни амалга оширишга қўлидан келганча киришишга ваъда берди.

Сўнг оқсоқол маслаҳатчилари ва тафтиш комиссияси аъзолари ҳам сайланди.

Ўйлаймизки халқ ишончини қозонган оқсоқол ва фаоллар ўзларининг ғайрат-шижоатли меҳнатлари билан ушбу ишончини албатта оқлайдилар.

Соҳиба УМАРОВА

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб домо бўлур...

Утиришга бирор улуг кимса кирганда бошқалар унинг хурмати учун ўринларидан турганда, бир кишининг турмай ўтириши, ёки бемаврид ўрнидан туриб ташқарига чиқавериши ҳам одобга хилоф иш.

Бирор кимса ҳақида гапиратганда ўша кимсани қўл чўзиб, бармоқ билан кўрсатиш, гапиратганда эса кўзига қарамай, бошқа ёққа ёки бошқа нарсаларга қараб туриш ҳам ёқимсиз феълдир.

Баланд овозда қаҳ-қаҳ уриб кулавериш одоб шартларига хилоф, хунук одат бўлиши билан бирга кераксиз вақтда сабабсиз ҳар нарсага кулавериш ҳам одобдан эмас.

Одамларнинг камчилиги устидан кулиш, инсоннинг руҳий ёки жисмоний нуқсонларидан завқ олиш шу инсоннинг ўзида нуқсон борлигини билдиради.

Икки киши сўзлашиб турганда сўзларига пинхона қўлоқ солиб туриш, ёки уларнинг суҳбатларига рухсатсиз кўшилиш ҳам одобга хилоф ишдир.

● Болалар ҳаётда ўсиб улғаяр эканлар, уларнинг тоелари икки нарсадан айри бўлмайди: ё бахт-саодатли бўлади, ёки гумроҳлик йўлига кириб бахтсиз бўлиб қолади.

Болалар қандай қилиб бахтли бўлишлари мумкин? Агар бола ота-онанинг гапига қўлоқ солса, уларнинг айтган йўлидан чиқмаса, берган маслаҳатларини жон деб қабул қилса, уларга шунчаки қўлоқ солиб қўя қолмай, бутун кучи билан амал қилишга уринса ва доимо ёдда тутса бундай бола катта бўлганда албатта бахтли бўлади.

Болалар қандай қилиб бахтсиз бўлиб қолади? Агар бола ўз отасининг бегараз, чин кўнгилдан меҳрибонлик қилиб айтган сўзларига қўлоқ солмаса, берган маслаҳатларини қўлоққа олмаса, бошқаларнинг панду насиҳатларини тингламаса, бора-бора йўлдан адашади. Оқибат натижада бахтсиз бўлиб қолади. Бахтсиз болалар катта бўлганларидан кейин ўз бахтсизликларига ўзларини айбдор ҳисобламай, ота-оналарига тухмат тошларини отишади. Бахтсизликларини сабабчиси қилиб уларни кўрсатишади.


Билимни тўғри тут, балодан кўркма, Ёқут ич-у, асло вабодан кўркма.

Қандай создир киши кажликдан қочар, Ростлик галабага доим йўл очар.

● Қозонга яқин юрсанг, қораси юқар, деб бежизга айтмаганлар, шунинг учун доимо яхши кишилар билан суҳбатдош бўл. Бебоб ва ножинс кишилар суҳбатидан парҳез қил.

Ножинс кишилардан айлагил парҳез, Сахийлар кўйида манзил тут ҳар кез. Паст билан паст бўлгунг, ёмон-ла ёмон, Яхшидан яхши-ю, марддан қахрамон!

● Агар дунёда энг яхши лаззат мавжуд бўлса, у ҳам қаноат лаззатидир, қаноатли киши роҳатда яшаши билан бирга, бошқа кишилар билан яхши муомалада бўлади, уларни ҳам ўзи каби шодлик сари етаклайди. Бошқалар ҳам қаноатли кишини хурмат қилади.



Кўзи қақирик

ВАТАНГА ХИЗМАТ — МУҚАДДАС БУРЧ

Шу кунларда республикаимизнинг барча мудофаа ишлари бошқармалари ва бўлимлари хизматга отланган йигитлар билан гавжум. Ватаннинг тинчлиги, осойишталиги, осмонимиз мусаффолиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги йўлида ўз йигитлик бурчини ўташга чоғланган йигитларни кўрганда беихтиёр кўнглинг фаҳрга тўлади.

Биз Ҳамза тумани мудофаа ишлари бўлимига кўзги қақирув бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишиш мақсадида кириб келганимизда кутганимиздан ҳам кўра бу ерда ҳаёт қайнаётганининг гувоҳи бўлдик.

Мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, подполковник Рустам Дехқонбоев билан суҳбатлашиш учун бошлиқни анча кутиб туришимизга тўғри келди. Биз вақтдан унумли фойдаланиб бўлгүвси аскарларнинг тиббий кўриқдан ўтказатган олий тоифали шифокор Улугбек Ҳошимов бошчилигидаги шифокорлар, ўқув хонасида бир гуруҳ қақирилувчилар билан суҳбат ўтказатган, қақирув бўлимининг бошлиғи, капитан Облокул Қурбоновни суҳбатга тортдик.

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонун ва тегишли ҳукумат қарорлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 22 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик қақирув резервидаги хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қақирув тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган, — дейди биз билан суҳбатда капитан Облокул Қурбонов. — Яна ушбу қарор фуқаролар томонидан умумий ҳарбий мажбуриятни амалга ошириш имконини беради, сафарбарлик қақирув резервидаги хизматни самарали ташкил этишга қўмаклашади, Қуролли Кучларда хизмат қилиш нуфузини оширади.


Маълумки, жорий йилнинг баҳорги қақирувдан бошлаб янги қабул қилинган қонун асосида фуқаролар танлов йўли билан муқобил ва сафарбарлик қақирув резервида хизматга қабул қилинмоқдалар. Соғлиги бўйича хизматга яроқли деб топилган барча қақирилувчилар танлов асосида, тест натижаларига кўра ҳолисона баҳоланади, яъни ҳар бир қақирилувчининг профессионал ва руҳий, жисмоний ва ақлий тайёргарлиги текширилади. Биз

янги қонун бўйича маҳаллаларда ва ўқув юртларида кенг тушуштириш ишларини олиб бормоқдамиз. Вазирлар Маҳкамасининг «Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги қақирув тўғрисида»ги қарори чиққандан кейин мудофаа бўлими-миз ҳисобида турган Қуролли Кучларда хизмат қилишни ихтиёр этган, она-Ватан ҳимоясига боришни ўз йигитлик бурчи деб тушунган йигитлар сафининг органини сезиш қийин бўлмади. Кейинги йилларда она-Ватан ҳимояси, йигитлик бурчи тушуначаларининг ўсиб келаётган ёш авлод он-гида кўпроқ шаклланаётгани кишини хурсанд қилади.

— Ниятимиз Қуролли Кучларимиз сафини ҳар томонлама тайёрланган қақирилувчилар билан тўлдириш, — дея суҳбатимизга қўшилди тиббий комиссия билан биргаликда иш олиб бораётган, туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, подполковник Рустам Дехқонбоев. — Ҳар бир ўсмирнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, ҳарбий хизматни ўташ учун танлаш ва танловнинг ҳолис, тўғри бўлиши учун маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар», «Қамолот» ЕИХ, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари билан яхши ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда иш олиб бормоқдамиз.

Аваллаб Қуролли Кучларимиз сафининг танлов асосида, болаларнинг соғлиқ даражаси, билим савияси, эҳёни, интеллектуаллиги, маълумоти, оилавий шароити, руҳий ва жисмоний тайёргарлиги синовдан ўтказилган ўсмирлар билан тўлишининг ўзи қонун ва ҳукумат қарорларини амалга оширишда юқори натижаларни беради.

Фуқароларимизга хизматнинг янги тури — сафарбарлик қақирув резервидаги хизмат ҳақида тўлиқ, янги ва содда тилда тушуштириш бўйича анча тайёргарлик ишларини олиб бордик. Бу борада ўқув юртлари, коллеж ва лицей, мактабларда ўсмирлар билан иш олиб бorgan ходимларимиз капитан Михаил Моисенко, хизматчи Валерий Кисилевларнинг хизматлари-ни алоҳида таъкидлаш лозим. Улар айниқса мактабларда бошлангич ҳарбий таълим дарсларининг яхши йўлга қўйилишига



эътиборни қаратдилар. Чунки ўсмир илк ҳарбий ҳаёт, ҳарбий хизмат каби тушуналарни мактабда, бошлангич ҳарбий таълим дарсида олади-да. Туманимиздаги 153-мактаб жамоасининг уч йилдан бери «Шунқорлар» спорт мусобақасида голибликни қўлга киритиб келишларини ушбу ишларнинг яхши самараси дейиш мумкин.

Яна шуни айтиш керакки, хизматга жўнаётган йигитларга шахар ва туман ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, ёру биродарлари, ота-оналари томонидан тантанали кузатув маросимларининг ўтказилиши ҳам уларнинг ҳаётларида катта воқеа бўлиб қолмоқда. Айтиш мумкинки, фуқароларни кузги қақирув бўйича муддатли ҳарбий хизматга қақиритиши сифатли ўтказиш, давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга қақиритиш ва сафарбарлик қақирув резервида хизматга қабул қилиш режа асосида, намунали олиб боришмоқда.

Биз туман мудофаа бўлими фаолияти билан кун мобайнида танишдик. Бош шифокор Улугбек Ҳошимов, туман «Нуроний» жамғармасининг раиси Юсуф Ибрагимов, «Сивец» маҳалласи раиси Клара Мансуровалар билан суҳбатлашдик, ҳозирги кун ёшлари, комиссия фаолияти ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик.

Йигитлар тинчлик қалқони, эл суянцидирлар. Озодлик осмонини бедор кўриқлаб, ватан сарҳадларининг дахлсизлиги ва Юртбошига содиқ бўлишга аҳд қилган йигитлар эса самимийлик, юксак ишонч ва эътиборга сазовор бўлмоқлари лозим. Мустақил давлатимиз, халқимиз тинчлик-осойишталиги йўлидаги шарафли ва муқаддас хизмат учун ўғлонларимизни муносиб Ватан ҳимоячиси қилиб тарбиялаётган ва тайёрлаётган мудофаа ишлари бўлими ходимларининг ишларида муваффақиятлар тилаб ҳайрлашдик.

ШОИРА МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: Ҳамза тумани мудофаа ишлари бўлими фаолиятидан лавҳалар. Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Мақдунот

ЯНГИ ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида С.Маннопов, Р.Турсунваларнинг «Анъанавий қўшиқ ижрочилиги услуби» ва С.Йўлдошевнинг «Халқ урф-одати ва анъаналари», Ў.Тошматовнинг «Фольклор қўшиқлари» қўлланмаларининг тақдироти бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан республика «Олтин мерос» хайрия жамғармаси раиси Амиркул Каримов, Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институтининг фольклор бўлими мудири, филология фанлари доктори Маматкул Жўраев ва бо-

шқалар янги ўқув адабиётлари ва уларнинг маънавий ҳаётимизда тугувчи ўрни ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Истиқболни белгилаш, услубиёт

ва ахборот республика маркази директори У.Тошматов бугунги кунда бадиий ижодиёт соҳалари бўйича чоп этилаётган рисола, ўқув қўлланмалари ва дарсликларнинг сифати, аҳамияти ҳақида бошқа жиҳатлари ҳақида сўзлаб, кейинги бир йил давомида нашр этилган 20 дан ортққ ўқув адабиётлари ҳақида маълумот берди.

Кечанинг иккинчи якуний босқичида институт қошида ташкил этилган «Чашма» фольклор-этнографик жамоаси, Ўзбекистон

Республикасида хизмат кўрсатган артист Оролмирза Сафаров, Олияхон Ҳасанова бошчилигидаги «Моҳи Ситора» фольклор-этнографик ансамбли, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Намозов ва «Сурхон» гуруҳининг чиқишлари барчада яхши таассурот қолдириди.

Талабалар учун зарур бўлган ўқув адабиётларининг яратилиши институтда кечаётган илмий-амалий ва услубий изланишларнинг маҳсулидир.

Гулачехра ДУРДИЕВА

Биз билиб-билмаган ҳаёт

ГАРОЙИБ ТАЖРИБА

Россия Фанлар академияси амалий муолажалар бўлимининг катта илмий ходими Пётр Гареев гаройиб тажрибалар ўтказди. У радиация билан ўдирилган донларни қайтадан «тирилтириш»га муваффақ бўлди. Бугун дони дахшатли миқдор — 10 миң рентген нур билан ҳалок этилган.

Аммо уларни электромагнит тўқинлари орқали қайта ишлангач, мўъжиза юз бериб, уруғлар қайта тирилиб, ўса бошладилар. Гареев фақатгина ўша дастур ишга тушиши учун кулай шароитни яратишга муваффақ бўлган.

Кашфиётни амалда қўлланилиши ҳақида гапирингизга ҳозирча эрта, аммо ўрта аср алхимиклари зўр бериб яратишга уринган «абдийлик дориси» барибир эртами, индинми топилса ажаб эмас. Кашфиёт бунга бир қадар ишонч йўғотди.

ҚУЛОҚЛАРИ БИЛАН КЎРАДИ

Хитойнинг Цзянсу вилоятида яшовчи ўн ёшли Лин бемалол ўқий олади. Сиз балки бунинг нимаси ҳайратланарли деб ўйларсиз. Гап шундаки у мутлақо тугма кўр. Ўқиш учун эса бармоқ, буруч, қулоқ ва ҳаммо тишларидан фойдаланади. Лин Ши Хуа бадавнинг исталган жойини китобга тегишса бўлди, у ироғлиларни аниқ «кўра бошлайди».

Бу гайри оддий қобилият унда беш ёшлигида пайдо бўлган. У тасодифан газета почтасини юзига яқинлаштирган ва шунда матни кўраётганлигини сезиб қолган. Бу ажабговор ҳодисани ўрганаётган ҳақим Лу Тянгнинг фикрича болада кучли экстрасенслик қобилияти ана шундай мўъжизага сабаб бўлган. Ҳақимлар Линнинг «кўрувчи» қулоқ ва тишларидан ташқари унинг соғлигида ҳеч қандай ўзгаришлар йўқлигини аниқладилар.

АРОҚҚА ҚАРШИ ҲАҚДОРИ

Киотодаги Фармацевтика университетининг тадқиқотчиси Масеюки Эшикава ароқ ичса ҳам маст қилмайдиган воситани топди. Африка кимё жамиятининг конференциясида у шундай далилларни келтирди: тажриба ўтказилган каламуш томирига бир вақтда спирт ва доридан юборилганда, ундаги алкоголь миқдори заррача ўзгармади, Камелия ва каштан дони асосида тайёрланган восита алкогольнинг қанча ёйилишига йўл қўймай, батамом ўзига «тортиб» олади.

Ҳозирча бу гаройиб восита ҳайвонларда синаб кўрилатган бўлсада, аммо инсонда ҳам худди шундай натижа кўрсатиши аниқ. Фақатгина бир нарсага ажабланасан киши, умуман, бу дори керакми? Яхшиси алкогольни камроқ истеъмол қилиб, маълум меъсёр сақланса бўлмайдими? Ичсангу, маст бўлмасанг, унда ичишдан маъно нима?

«Умид ниҳоллари — 2003»

КЕЙИНГИ БОСҚИЧГА ЧИҚИШДИ

Келагагимиз ворислари — фарзандларимизнинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб воёга етишларида жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти бекиёс. Шу боисдан ҳам бир неча йиллардан бери Республика Халқ таълими вазирлиги, «Маҳалла», Болалар спортни ривожлантириш жамғармалари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорликларида мактаб ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари уюштириб келинмоқда. Шуниси қувончли, ушбу тадбир болажонларимиз орасида спортга бўлган қизиқишни янада кучайтирмоқда, улар орасидан қаҳқон, эпчил, зукко ва иқтидорлиларни саралаб бермоқда.

Куни кеча Уюсубод туманидаги 327-мактабда 1-4 синф ўқувчилари ўртасида ташкиллаштирилган «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг туман bosқичи бўлиб ўтди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу турнирнинг биринчи bosқичида 943 нафар бўлажак спортчилар ўзларининг нималарга қодир эканликларини исботлашганди. Туман миқёсидаги мусобақаларда эса энг иқтидорли 191 бола голиблик учун кураш олиб борди. Спортнинг энгил атлетика, мини-футбол, шахмат, ҳаракатли ўйинлар каби йўналишларида 41 та мактаб жамоалари орасида кечган беллашувлар йиғилганларда илиқ таассурот қолдирганини айтиш жоиз. — Айниқса, замонавий тарзда бунёд этилган спорт зали ҳар бир йўналишдаги мусобақаларни ўтказишда қулайлик туғдирганини айтмасак бўлмас, — дейди бу ҳақда тумандаги «Лочин» спорт клубининг директори Фарход Қаландаров, — болажонларнинг тиришқоқлиги, ғалабага бўлган иштиёқи турнирнинг қизиқарли ўтишини таъминлади. Мусобақаларга бошқалардан кўра пухта тайёргарлик кўрган голиб жамоалар номи ҳам аниқланди. «Умид ниҳоллари»нинг энгил атлетика йўналишида 246-мактаб жамоасига биринчи, 43-мактаб жамоасига иккинчи, 257-мактаб ёш спортчиларига учинчи ўринлар насиб этди. Мини-футбол бўйича ташкиллаштирилган турнир голибларини аниқлаш осон кечмади. Чунки голиблик учун кўп жамоалар даъвогарлик

қилишди. Аммо мurosасиз кечган беллашувлар якунида биринчи ўрин 273-мактабнинг ёш футболчиларига насиб этди. 21, 143-мактаблар жамоалари эса иккинчи, учинчи ўринлар билан кифояланишди. «Ақл гимнастикаси» ҳисобланмиш шахматнинг ҳам тобора болалар ўртасида оммалашиб бораётгани қувонарли ҳол. Комбинацион юришларга бой кечган шахмат баҳсларида омад 21-мактаб ўқувчиларига кулиб боқди. Шунингдек, 43, 246-мактаблардан ташриф буюрган ёш шахматчилар иккинчи, учинчи ўринларни эгаллашди. Болалардан тезкор, эпчил ҳаракатлангани талаб этувчи ҳаракатли ўйинлар баҳсида 105-мактаб ўқувчиларига тенг келадиган рақиб топилмади. Мусобақаларга бошқа жамоаларга нисбатан анча пухта тайёрланган 246-мактаб ўқувчиларига иккинчи ўрин насиб этган бўлса, майдон эгалари бўлмиш 327-мактаб ўқувчилари учинчи ўрин би-

лан кифояланишди. Беллашувларни синчковлик билан қузатган ҳақамлар ҳайъати томонидан умумжамоа ҳисобида 246-мактаб жамоаси голиб деб топилди. Байрамона руҳда ўтган мусобақалар якунида турнир ташкилотчилар ҳамда тумандаги «Гулистон» маҳалласи томонидан таъсис этилган совринлар, эсдалик совгалари голибларга топширилди. Дарвоқе, 246-мактаб жамоаси аъзолари эндиликда «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг Тошкент шаҳар bosқичида туманлари шарафини ҳимоя қилишди.

Акбар Йўлдошев



Транспорт

АВТОМОБИЛЬ ТАРИХИ МУЗЕЙИ

Мамлакатимизда автомобиль транспорти ва йўлларининг кенг кўламли тармоғидан унумли фойдаланилмоқда.

Аҳолининг кундалик эҳтиёжини қондириб, узогини яқин қилаётган шу тармокнинг яқин ўтмиши ҳамда бугунги кунини ўзида акс эттирувчи кўп қатлам экспонатлар тўпланди. Улар Тошкент транспортчилари шаҳар музейи экспозицияларидан ўрин олди.

— Тошкент шаҳар йўловчи транспорти корхоналари давлат уюшмаси саъй-ҳаракати билан янги очилган бу музей экспонатларга бой, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган транспорт ходими Саид Ғулумов, — улар автомобиль транспорти воситалари намуналари ҳақида ҳикоя қилади. Транспорт корхоналарига оид маълумотлар ҳам томошабинларда қизиқиш уй-

ғотмоқда. Автомобиль транспортнинг фидойилари ва кекса авлодига бағишланган экспонатлар ҳам яққол кўзга ташланиб турибди. Ўртадаги юмалоқ ойнали кўргазма орқали эса транспорт тарихига оид китоб ва альбомлар билан танишиш мумкин.

Шунини ҳам эслатиб ўтиш жоизки, ўтган йили Тошкент метрополитени ҳам ўз музейга эга бўлган эди. Тошкент метросининг 25 йиллиги муносабати билан очилган ушбу музей экспонатлари рангбаранг бўлиб, ер ости темир йўли жамоасининг кўп киррали фаолияти тўғрисида ҳикоя қилади.

Ақром АЛИЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Тошкент шаҳар А.Икромов тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан хусусий тадбиркор Жамолдин Зухриддинович Камалов номига 2003 йил 15 мартда берилган №934 рақамли дароматлар ва товар операцияларини ҳисобга олиш дафтари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар А.Икромов тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан хусусий тадбиркор Алимжон Эркинович Асамов номига 2003 йил 15 мартда берилган №937-рақамли дароматлар ва товар операцияларини ҳисобга олиш дафтари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳридаги 24-хунар-техника билим юрти (ҳозирги Тошкент туризм коллежи) томонидан 1996 йилда Инагамова Наима Нуриллаевна номига берилган АУ—053798 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари

хар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.

Факс: (3712) 133-29-09.

Манзилимиз:

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.

Анжуманлар

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ — ЭЪТИБОРДА

Ҳозирги кунда ёшларимиз илму фанда, спортда, ижтимоий ҳаётда ўз мавқеига эгалар. Улар ҳақида мактос сўзларни айтмизу бироқ ёшларимиз ҳаётда салбий кўринишдаги ҳолатлар борлиги киши дилини ранжитида. Гиёвандликка ружу қўйган турли ноҳўя йўлларда адашиб юрган ёшлар ўзларининг ким эканликларини баъзан унутиб қўйишди. Ана шундай ёшларни бу йўллардан қайтаришда оила ва маҳалланинг ўрни бекиёс. Ёшларнинг тиббий маданиятини оширишда ҳам бу катта масканнинг турмуш тарзи катта аҳамият касб этади.

Мирзо Улуғбек туманидаги «Дўстлик» маҳалласи гузарига ўтказилган илмий-амалий анжуман ана шу мавзуга бағишланди. «Ёшларнинг тиббий маданиятини оширишда оила ва маҳалла турмуш тарзининг аҳамияти» мавзусидаги ушбу анжуман Ибн Сино Халқаро жамғармаси ҳамда Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги томонидан ташкил этилди.

Ибн Сино Халқаро жамғармаси бошқаруви раиси Шухрат Эргашев кириш сўзи билан анжумани очар экан, асосий эътиборни ёшларнинг тиббий маданиятини ошириш барчаннинг кечиктириб бўлмас вазифаси эканлигига қаратди.

Сўзга чиққанлар «Оиладаги соғлом турмуш тарзи — ёшларнинг тиббий маданиятини ошириш гарови», «Гиёвандлик ВИЧ—ОИТС дан сақланишда соғлом турмуш тарзининг аҳамияти», «Соғлом она — соғлом бола» каби қатор қизиқарли ва мулоҳазали мавзуларда мушоҳада юртишди.

Тадбир сўнгида Ибн Сино Халқаро жамғармаси томонидан чоп этилган «Усмирлик даври ҳақида» номли рисола тингловчиларга тақдим этилди.

Хуршида НАЗАРОВА

Спорт

**ЧАВАНДОЗЛАР
МАҲОРАТ
КЎРСАТИШДИ**

Республика от спорти олий маҳоратли чавандозлик мактаби ва «Жокей» от спорти клуби мажмуаларида марҳум спортчи, Европа чемпионати совриндори, бир неча бор Ўзбекистон чемпиони, халқаро тоифадаги спорт устаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Мамажон Исмаилов хотирасига бағишланган аънанавий турнир бўлиб ўтди.

Беш кун давом этган мусобақаларда ёш чавандозлар от йўрттириш, иккикураш, баландлиги 100, 125, 130 сантиметр бўлган тўсиқлардан ҳамда олти тўсиқдан ошиб бахсларида ўз омадларини синбаб кўришди. От йўрттириш мусобақаларида Республика от спорти олий маҳоратли чавандозлик мактаби вакили Рая Раҳматуллаева «Калина» лақабли оти билан голибликни қўлга киритган бўлса, иккикураш бахсларида пойтахт вилояти вакили Арман Полатов ва унинг «Профи» лақабли отига тенг келадиган рақиб топилмади. Баландлиги 100 сантиметр бўлган тўсиқлардан ошмида Шахрофиддин Каримов «Мустанг» лақабли отида зафар кучди. 125 ва 130 сантиметр бўлган тўсиқлардан ўтмида «Жокей» клуби аъзоси Уктам Ҳошимов «Сафир» лақабли оти билан барчадан устун келди. Шунингдек, баландлиги 160 сантиметр бўлган олти тўсиқдан ошмида ҳам Уктам Ҳошимов ҳаммадан чақонроқ ҳаракат қила олди. Турнир якунида голиб ва совриндорларга Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда бошқа мутасаддиларнинг эсдалик совгалари топширилди.

**ЧЕМПИОНЛАР
АНИҚЛАНДИ**

Кўкonda бокс бўйича XII Ўзбекистон биринчилиги мусобақалари ўтказилди. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан ташир буюрган 140 нафар чарм кўпқол усталари голиблик учун астойдил кураш олиб боришди.

Ун битта вазн тоифасида уюштирилган мурасасиз ва кизикarli жанглр якунида пойтахтлик Алишер Раҳимов, Жамол Жўраев, Сухроб Раҳматов, Жасур Матчонов, кўзондик Рафкат Эргашев, Улуғбек Бўрибоев, Баҳодир Сиддиқов, навоийлик Азиз Улугов, наманганлик Нодир Ғуломов ва фарғоналик Азиз Раҳмоновлар биринчи ўринни эгаллашди. Мусобақа якунида чемпионатнинг голиблари ҳамда совриндорларига совринлар, эсдалик совгалари тўхфа этилди.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси қoшидаги «SUVGEO» илмий-тектириш институти директори Раҳматулла Хабиоровнинг волидаи мухтарамаси

Азиза ая ФАЙЗИЕВАННИНГ вафот этгани муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор қилади.

Премьерадан сўнг

МУНИС ОНАМ

Кейинги вақтларда шахримиз кино ва театр заллари санъат шинавандлари билан гавжум бўлиб бораётгани кўнарни хол албатта. Театр ва кино афшлари орқали янги-янги томошалар қўйилаётганининг мунтазам гувоҳи бўлмоқдамиз.

Қуни кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Фаёз ХДС» кино-видео студияси томонидан суратга олинган «Мунис онам» бадий фильмининг тақдироти олдидан матбуот анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда ушбу фильمنى саҳналаштирувчи режиссёр Ўзбекистон халқ артисти Лутфулла Саъдуллаев, сценарий муаллифи Салоҳиддин Сирожиiddинов, фильм директори Баҳодир

Аҳмедов, шунингдек асосий роллар ижрочилари Гулчехра Саъдуллаева, Фатхулла Маъсудов, Илхом Фармонов ва бошқалар иштирок этдилар.

— «Мунис онам» бугунги кундаги долзарб муаммо — ёшлар тарбияси мавзусига бағишланди. Спектаклларда режиссёр сифатида кўп бор ижод қилган бўлсам, эндиликда кинода илк бор ўз кучимни синая кўриш ниятида ушбу

фильمنى яратишга қўл урдим, — дейди фильм режиссёри Лутфулла Саъдуллаев. — Фильм ғоясини кўндан буён ўзим ўйлаб юрдим. Киногасмада қобил ва ноқобил фарзандлар, уларнинг ота-она олдидаги бурчи ҳамда халқимиз орасидаги бағри кенг, саховатли инсонлар ҳақида ҳикоя қилинади. Уйлайманки, фильм ёмон чиқмади. Шуниси эътиборлики, севимли санъаткор Илхомжон Фармонов фильмда илк бор суратга тушган. Албатта бу фильмга баҳони энди томошабинлар беради. Келгусидаги режаларимиз ҳам бисёр.

Матбуот анжуманида шунингдек, фильмининг бошқа ижодкорлари ва актёрлар оммавий ахборот воситалари

ходимларини кизиктирган саволларга батафсил жавоб бердилар. Анжумандан сўнг Алишер Навоий номидаги Санъат саройида «Мунис онам» бадий фильмининг премьераси намойиш қилинди.

Дарҳақиқат, «Мунис онам» бадий фильми номини ўқиган чоғ ҳар бир инсонда ушбу фильمنى кўриш вастига тугилиши табиий. Чунки мунис ва мушфиқ оналар тўғрисидаги қалбларни ларзага солувчи, оналарини беҳурмат қилаётган ёшлар ҳақидаги фильм албатта ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмас керак. Фильм тугаган залдаги томошабинларнинг давомли қарсақларидан ҳам унинг қанчалик муваффақиятли чиққанлигини сезиш мумкин.

Дилором ИКРОМОВА

СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?

Бугунги кунда ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўла маънода билиши лозим. Шунинг учун туганган ҳолда Собир Раҳимов туманидаги 19-касб-хуна колледжиде «Сиз қонунни биласизми?» деган мавзуда тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Миллий университетининг I-курс магистри Баҳодир Шокиров коллеж ўқувчиларига «Никоҳ шартномаси» тўғрисида батафсил маълумот берди. II-курс магистри Зоҳиджон АСҚАРОВ эса «Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик давлати барпо этиш» тўғрисида шунингдек, юридик шахслар ва жисмоний шахслар қимлиги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида, маҳалла тизими ва оқсоқолларнинг мақсад ва вазифалари тўғрисида тўхталиб ўтди. IV курс битирувчи талаба-

си Бекзод Остонов Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тўғрисида етарлича маълумот берди.

Тадбир давомида ўқувчилар ўзларини кизиктирган саволлар билан ҳуқуқшуносларга мурожаат қилишди. Қувонарлиси шундаки, коллеж талабалари ўз ҳуқуқларини маълум даражада билиб олишди. Ҳуқуқшунослар тадбир баҳона ўз билим-савияларини намойиш этдилар.

Қомола РАҲМАТОВА

Бугун юрагим ёмон ўртади. Дилим гашланиб, қалбим пора-пора бўлди. Кузнинг эзилиб ёққан ёмгири, хазон япроқлари хаста кўнглимга шикаста кайфият тарқатди. Соғинчли хаёллар, аламли армонлар юрагимни шафқатсизларча тирнак бошлади.

**СОҒИНЧ
Қатра**

Онажоним, дилкаш меҳрибоним, мен сизни қўймақчи бўлман! Сизни энди ҳеч қачон қуролашмастимини англаганим сари бағрим эзилиб, оташлар алангасида ёнаверман, саволлар исканжасида қийналаверман.

— Улим хақ, — Бу ҳар бир мўмин муслмон бошида бор болам, деган овозингиз қуллоқларим остида жангларлайди. Бу оддий ҳақиқатни ҳазм қила олмасам нима қилай онажон?

Меҳрибоним, нечун бунча шовдингиз? Дийдорингизга тўймай, охиригиз сўзларингизни эшити олмай армонларда қол-

дим-ку. Ха, буни тақдир азал дейдилар. Бироқ шу ҳукмга қўнка олмасам нима қилай, дардларимни кимга айтай, ўзимни қандай юпатай? Кенг ховлимизнинг катта дарвозаларида энди мени ким интизор бўлиб кутади? Борганимда оқ дуолар билан бағрига босиб, эркалаб, ўпиб ким кузатиб қўяди? Қўрқам шаҳарнинг кенг қошоналарига сизга кетаёйман, сизни қўймақчи эмман, эсла-япман ҳақингизга дуолар қилиман.

Нечун тушларимга кирмай-сиз? Хувиллаган кўнглим сарҳадларида **СОҒИНЧ** дарбадар

кезади, кезаверади. Қўним тополмай, излаган ошёнига етолмай, бир ҳаловат, бир таскин, бир оғиз ширин сўз истаб чорасиз, иложсиз чарх ураверман. Номингизни бағримга босиб, суратингизни қалбимга муҳрлаб, ёдингизни кўзларимга жо қилиб, сизни жуда-жуда қўймақ тилларим отиб, кунларим ботмоқда.

Онажон, жаннат гулларини териб, кавсар сувларини ичиб, беҳишт боғларида кезиб юриш сизга насиб этсин. Сиз кўнглимда, ўйимда, хаёлларимда мангу тиркисиз.

Гулчехра ДУРДИЕВА

**«02» ХОДИСАЛАР
ЖАЗОЛАРИНИ ОЛИШДИ**

Мирзо Улуғбек туманида яшовчи 1978 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган ва илгари судланган фуқаро У.Тожиёвнинг эқиндагина содир этган кичик ўғирлиги катта жиноят қўчасининг бошланғичидир, десак хато бўлмайди.

Ушбу қимса Қибрай туманида яшовчи 1983 йилда туғилган таниши М.Носировани Ҳ.Абдуллаев қўчасидаги «Чимё» дўкони олдига учратиб қолиб, унинг бўйинидаги тақинчоқ занжирини қўлга киритиш пайига тушади. Олишнинг қўлайроқ йўли топилмагач, У.Тожиёв М.Носированига нисбатан жисмоний куч ишлатили ва зўрлик билан сариқ металлдан ясалган занжирини тортиб олади-ю, воқеа жойидан қочиб кетади.

Иноқобод қўчаси, 26-уйда яшовчи М.Исмоилова хонадонига келган шахс ўзини миллия ҳодими деб таништириб безорилик содир этган. У хонадон соҳибасини ҳар хил ноҳўж, ахлоқсиз сўзлар билан ҳақоратлаб унга маънавий зарар етказган.

Чимкент қўчасида яшовчи Д.Печутин ҳам Мирзо Улуғбек туман ИИБ ходимлари то-

монидан шубҳа остида ушланган эди. Ўтказилган тергов жараёнлари натижасида у ўтган йили Эстония қўчаси, 49-уйга эркин ҳолда кириб, хонадон соҳибаси Л.Никитинага тегишли 50 АҚШ доллари ва 190000 сўмлик кийим-кечакларни гумдон қилиб яшириниб юрганлиги ойдинланди.

Тошкент шаҳар ИИББ тезкор гуруҳи томонидан ушбу ҳуқуқбузарликлар тезда фойш этилиб, жиноятчилар ўз жазоларини олди. Аслида жиноят хоқ майда бўлсин, хоқ катта, барибир жиноят. Унинг натижасида кимдир моддий зарар кўрса бировнинг руҳиятига, маънавий ҳаётига салбий таъсир етди. Жиноятнинг олдини олиш эса, нафақат ички ишлар органлари ходимларининг, балки ҳар бир фуқаронинг ҳам бурчидир.

Ҳусниддин БЕРДИЕВ

**Шифобахш неъматлар
САРИМСОҚ**

Пиёзбошларга мансуб икки йиллик сабзовот ўсимлиги бўлган саримсоқнинг асли ватани Тянь-Шань тоғларидир. Эндиликда эса жаҳоннинг кўп мамлакатларида, жумладан Марказий Осиёнинг ҳамма туманларида саримсоқ экилади. Унинг таркибида углеводлар, оқсиллар, ҳужайра моддаси, ифори мойи, дармондори ҳамда маъдан моддалари кўп. Саримсоқнинг таркибида фитонцид деган аччиқ модда бўлганлиги сабабли бу сабзавотдан доривор ўсимлик сифатида ҳам фойдаланилади. Халқ таъбаотида саримсоқнинг мижоз сустилиги, ичак атонияси, калий, энперит, ич-буруғ, гижжа, тез битмайдиган жароҳатларга даво қилишда ишлатилади. Ҳазм, нафас аъзоларининг турли касалликлари, ревматизм ва бошқаларда наф беради. Хитой табиблари саримсоқдан захарлар кучини кесадиган, балғам қўчирадиган, пешоб ҳайдайдиган, ўсмаларга, гижжаларга, грипга қарши таъсир қиладиган восита сифатида фойдаланганлар. Иситма чиқиб турган маҳалларда, вабо касалликларида, одамни захарли ҳайвонлар тишлаган, чаққан пайтларда саримсоқ ишлатилади.

Шу қалар фойдали неъматни кўпчилик хомлигича ёйишни хоҳлашмайди, чунки унинг ноҳуш ҳиди бир мунча вақт оғиздан нафас олганда тарқалиб туради. Бу эса кишининг ўзигагина эмас, балки суҳбатдошининг ҳам гашига тегади. Пиширилганда унинг ҳиди анча қирқилсада, барибир батамом йўқолмайди. Масалан, ўзбек пазандчилигида уни лағмон, ош, шўрвага солиб ишлатилади.

Республикамизда чой экилмайди, лекин куруқ чой билан оғиздаги саримсоқ ҳидини йўқотиш мумкин экан. Саримсоқ тановул қилинган, бир дамлаш қора чойни оғизга солиб чайнаш керак, зинҳор ютиб юбориш керак эмас, сўнгра оғизни чайилса саримсоқ ҳидидан асар ҳам қолмайди.

Ўлкамизга киш фасли ҳам кириб келмоқда. Қорли-қировли совуқ кунларда грип, ўткир тумов касалликлари кўп тарқалади. Соғлом юрай десангиз турли дорилар эмас, балки табиий дармондорилар, шу жумладан саримсоқ пиёзни ғамланг. Ҳар куни саримсоқ пиёзни чайнашни одат қилсангиз қарабиски, турли микробларга қарши у қалқон вазифасини бажаради.

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмак АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳақми — 2 босма табоқ оғеет
усулида босилди.
3871 нусxada босилди. Қозғ бичими А-3

**Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума
кунлари чиқади.**
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат
матбуот қўмитасида
10-рақами билан рўйхатта

Нашири етказиб бериш масаллари бўйича турар жойларига почта бўлимларига ёки «Тошкент пошта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилинганга мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаханаси.
Қорхона манзили: «Буғок Турон» кўчаси, 41-уй.